

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
Protected by PDF Anti-Copy Free
X U K M

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

2024 йил июль ойининг 22 кунда жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман суди суд биносига, суд мажлисида, раислик қилувчи судья О.Аллаев, судья ёрдамчиси [REDACTED] тамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тойлоқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Кубаев ва Ф.Туранов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Темирйўл адвокатлар ҳайъати” адвокатлар ҳайъати адвокати С.Абдуҳақимов, жабрланувчи С.Яхшиев ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Хусаенов К.М.” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Балтаевларнинг иштирокида, [REDACTED] нисбатан бўлган № 1-1413-2402/70-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] Xujakulov Tulkin
Yaxshiyevich [REDACTED] Самарқанд туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, депутат эмас, партиясиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, руҳан соғлом, муқаддам судланмаган, Тойлоқ тумани “Тулкин Давлатобод Чарвоси” фермер хўжалигида иш юритувчи вазифасида ишлайди, Тойлоқ тумани “Давлатобод” маҳалла фуқаролар йиғини 64-уйда яшайди, унга нисбатан “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, биринчи айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 24 февраль куни, иккинчи айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 9 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара сўзларини ва судланувчининг охириги сўзи тингланиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

[REDACTED], “Гулшер Шароб” МЧЖ раҳбари бўла туриб Тойлоқ туманидаги Яхшиев Собиджон Олимбоевич томонидан ташкил қилинган “Чорва Давлатобод” хусусий корхонаси номидан фаолият юритишга ҳеч қандай ваколат бўлмаса-да, С.Яхшиев раҳбарлигида бўлган “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини муҳри ўзида бўлганлигидан фойдаланиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани талон-торож қилиш

мақсадида таъсисчининг рухсатисиз 2020 йил 1 февраль куни ўзини “Чорва Давлатобод” хусусий корхонаси раҳбари сифатида тайинланганлиги тўғрисидаги 1-сонли буйруқни сохталаштириб, буйруқни МИБ Тойлоқ туман бўлимига такдим қилиб, “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг пул ва мол-мулкини тасарруф этиш ҳуқуқи бўлмасда “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини солиқ ва бошқа туловлар бўлган қарздорлигини ундиришни корхонага тегишли бўлган трактор парки қаратишни сўраб, ўзини номидан ариза билан мурожаат қилиб, 2020 декабрь куни “Электрон баҳолаш МЧЖнинг баҳолаш ҳисоботига асосан “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасига тегишли бўлган Трактор парки бино ва иншоотлари 12.02.2022 йилда электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази ДУК орқали 636.108.660 сўмга сотилганидан кейин пул маблағларини қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил 2 март куни МИБ Тойлоқ туман бўлими бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасига тегишли бўлган мулк сотувидан 01.03.2022 йилда МИБ ҳисоб рақамига келиб тушган пулларни “Чорва Давлатобод” ХКнинг қарздорлигидан ташқари ўзи ва қариндошларига тегишли бўлган “Бехруз Диёрбек далалари” ХКнинг 9.488.220 сўм, “Гулшер Шароб” МЧЖнинг 4.505.019 сўм, “Тулкин Давлатобод Чорваси” фермер хўжалигининг 17.464.363 сўм ва “Давлатобод Янгиариқ замини” фермер хўжалигининг 24.460.552 сўм солиқ ва бошқа тўловлардан бўлган қарздорликлари учун жами 55.918.154 сўм миқдоридаги пулларни кўчиришга эришиб, АТ “Халк банки” Тойлоқ филиалида қолган 491.100.000 сўм пул маблағларини ўзлаштириш мақсадида 2022 йил 4 март куни АТ “Халк банки” Тойлоқ филиали бош ҳисобчиси қисми тугатилган шахс билан олдиндан ўзаро жинорий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, бош ҳисобчига ишониб топширилганлигидан фойдаланиб, 117.100.000 сўм миқдоридаги пулларни гуёки озуқа ем махсулотларини тўлови учун деб 3-сонли ва 374.000.000 сўм миқдоридаги пулларни ўзининг 2017 йил апрель ойидан 2022 йил март ойларигача бўлган ойлик маоши учун деб 4-сонли тулов топшириқномаларида корхонанинг раҳбари ва ҳисобчисини имзоларини сохталаштириб, ўзида бўлган хусусий корхонани муҳри билан ноқонуний равишда тасдиқлаб, уларни қалбакилаштириб, АТ “Халк банки” Тойлоқ филиали бош ҳисобчиси А.Хайдаров ёрдамида С.О.Яхшиевнинг раҳбарлигида бўлган “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг АТ “Халк банки” Тойлоқ филиалидаги ҳисоб рақамида бўлган жуда кўп миқдордаги 491.100.000 сўм пул маблағларини ўзлаштириб, С.Яхшиевнинг жами 547.018.154 сўм миқдоридаги пулларни талон- тарож қилишган.

Пастдарғом тумани ИИБ ЭКГнинг 24.01.2024 йилдаги №2-сонли эксперт хулосасида, “Халк банки” Тойлоқ туман филиалининг 04.03.2022 йилдаги №3-сонли “Платежное поручение” ва “Халк банки” Тойлоқ туман филиалининг 04.03.2022 йилдаги №4-сонли “Платежное поручение” хужжатларидаги Яхшиев Собиджон Олимбоевич номидан бажарилган имзо Яхшиев Собиджон Олимбоевич томонидан эмас бошқа шахс томонидан бажарилганлиги, шунингдек, “Халк банки” Тойлоқ туман филиалининг

04.03.2022 йилдаги №3-сонли “Платежное поручение” ва “Халқ банки” Тойлоқ туман филиалининг 04.03.2022 йилдаги №4-сонли “Платежное поручение” хужжатларидаги Яхшиев Гулшер Тулкин ўғли номидан бажарилган ишнинг Гулшер Тулкин ўғли томонидан эмас бошқа шахс томонидан бажарилганлиги кўрсатилган.

МИБ Тойлоқ туман бўлигининг 2024 йил 27 июнь кунидаги №151-сонли маълумотномасида, “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасига тегишли бўлган мулк сотувидан 01.03.2024 йилда МИБ ҳисоб рақамига келиб тушган пулдан “Чорва Давлатобод” ХКнинг қарздорлигидан ташқари ўзи ва қариндошларига тегишли бўлган “Бехруз Диёрбек далалари” ХКнинг 9.488.220 сўм, “Гулшер Шароб” МЧЖнинг 4.505.019 сўм, “Тулкин Давлатобод Чорваси” фермер хўжалигининг 17.464.363 сўм ва “Давлатобод Янгиарик замини” фермер хўжалигининг 24.460.552 сўм солиқ қарздорлигига ўтказиб берилганлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи [REDACTED] ўзининг кўرғазмасида айбига иқрорлик билдирмасдан, 2012-2013 йилларда “Давлатобод” агрофирмасида раис бўлиб ишлаганлиги, Тойлоқ тумани “Давлатобод” қишлоғида жойлашган умумий ер майдонининг юзаси 11 603,0м2 қурилиш ости майдони 1 105,678 кв, фойдаланиладиган ер майдони 970,93 мв бўлган “Трактор парки” биносини сотиб олганлиги, бино ўзини мулки эканлиги, агрофирма раиси вақтида, техникалар моллари бўлганлиги, кейин С.Яхшиевни номига сотиб олиб ўзлаштириб олганлиги, сотиб олиш учун раелтрлик фирмасига ва мулкни сотиб олиш харажатларини ўзи қилганлиги, ауксионга релтр фирма орқали С.Яхшиевни номидан кирганлиги, релтр фирма учун тўловини Тойлоқ туманидаги “Давлатобод келажаги” номли оилавий корхона бўлганлиги, ушбу корхонани ёпилганидан сўнг у “Чорва Давлатобод” номли хусусий корхонани очганлиги, шу вақтда акаси Хужакулов Олимнинг ўғли Яхшиев Собиднинг номига олинган бинони корхонани балансига ўтказгач, корхонага раҳбар қилиб Яхшиев Собид тайинланганлиги, 2016 ёки 2017 йилда С.Яхшиев билан биргаликда Тойлоқ туманида жойлашган нотариал идорага борганлиги, у ерда унга Собид ишончнома бериш керак бўлганлиги, у унинг номидан “Чорва давлатобод” хусусий корхонаси фаолият юритиши керак бўлганлиги, шунда нотариус хусусий корхонани ўзида йиғилиш қилиб, уни корхонага раҳбар қилиб тайинлаши мумкинлигини айтганлиги, кейин йиғилиш баёни қилиб, у “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасига раҳбар этиб тайинланганлиги, Собидни ўзи эса корхонага таъсисчи бўлиб қолганлиги ва ўзи Россияга кетганлиги, шунга кўра, у “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини раҳбари бўлиб ишлаганлиги, 2020 йилнинг бошларида “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини кўп тармоқли корхонага айлантириш учун бетон блок ишлаб чиқариш цехи, иссиқхона қурилганлиги, ўн бош зотли эчкилар боқилганлиги, отхона қурилиб ишга тушурилганлиги, кейин чет элдан қорамоллар олиб келиб боқилганлиги, бинода қўшимча қурилишлар учун у харажат қилганлиги, жияни С.Яхшиев ушбу мол мулкни яхшилаш учун қилинган қурилишларда қатнашмаганлиги, бинони нархи қўшимча қурилиш

қилингандан кейин ошганлиги, шу вақтга қадар солиқ тўловларини ўзи тўлаганлиги, 2020 йилда “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг солиқлардан 126.668.251 сўм миқдоридан қарзи мавжудлиги сабабли МИБ Тойлоқ туман бўлими (Upgrade to Pro Version to Remove this Watermark) “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасига қаршли бино ва иншоатларни сотиш учун 1.285.068.000 сўмга баҳоланиб “E-Auksion” га қўйилганлиги, 2022 йил 7 февраль куни 642.534.000 сўмга сотилганлиги, кейин аукциондан тушган пул маблағи МИБ Тойлоқ тумани бўлимига ҳисоб рақамига туширилиб, Тойлоқ туман бўлими солиқ ва мажбурий тўловларни олиб қолиб, қолган 492.106.859 сўм пул маблағини “Чорва Давлатобод” хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ташлаб берганлиги, 2022 йил март ойида МИБ Тойлоқ туман бўлими бошлиғи номига хат билан мурожаат қилиб, “Бехруз Диёрбек далалари” ХКнинг 9.488.220 сўм, “Тулшер Шароб” МЧЖнинг 4.505.019 сўм, “Тулкин Давлатобод Чорваси” фермер хўжалигининг 17.464.363 сўм ва “Давлатобод Янгиариқ замини” фермер хўжалигининг 24.460.552 сўм солиқ ва бошқа тўловларга кўчиртирганлиги, 117.100.000 сўмни озуқа ем махсулотларини тўлови учун ва 374.000.000 сўм миқдоридаги пулларни ўзининг 2017 йил апрель ойидан 2022 йил март ойларигача бўлган ойлик маоши учун чиқартирганлиги, у “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини таъмирлаш ва ривожлантириш учун 500,0 млн сўмдан зиёд сарф-харажат қилганлиги, банкдан олган 492.106.859 сўм пул маблағини қилган харажатларини ўрнини қисман қоплаганлигини инобатга олиб, ўзига олганлиги, ҳозирда пулларни тўлиқ қоплаб берганлиги, Тойлоқ туман Халқ банкидан “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасига қайтарилиши лозим бўлган 492.106.859 сўм пулларни олишда берган тўлов топшириқномаларига фақат ўзи имзо қуйганлиги, унинг айби йўқлигини инобатга олиб унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўрашлиги ҳақида баён қилди.

Судланувчи [REDACTED] ўз айбига иқдорлик билдирмасдан кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Судда сўралган жабрланувчи Яхшиев Собиджон Олимбоевич ўз кўргазмасида, [REDACTED] амакиси бўлишлиги, у 2013 йил 29 октябрь куни “Капитал Реалтор” Самарқанд филиалидан кўчмас мулк объектлар аукциони орқали Тойлоқ тумани Давлатобод қишлоғида жойлашган умумий ер майдонининг юзаси 11 603,0м² қурилиш ости майдони 1 105,678 кв, фойдаланиладиган ер майдони 970,93 мв бўлган “Трактор парки” биносини сотиб олганлиги, сотиб олиш учун раелтрлик фирмасига ва мулкни сотиб олиш харажатларини ўзи тўлаганлиги, ушбу мулкни 2013 йилда давлат руйхатидан ўтказиб, ўзининг номига расмийлаштирганлиги, 2017 йилда у “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини якка ўзи таъсисчи сифатида ташкил этиб, давлат руйхатидан ўтказиб, ўзига хусусий мулк сифатида тегишли трактор паркини бино ва иншоатларини “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг мулки сифатида

14:13:01:02:11:0010 кадастр рақами билан давлат руйхатига қўйиб, кадастр хужжатларини расмийлаштирганлиги, трактор парки бино ва иншоатлари унинг хусусий мулки ҳисобланиб, унинг якка ўзи таъсис қилганлиги, “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг шахсан унинг корхонаси бўлиб, ундан бошқа таъсисчи йўқлиги ва у ушбу корхонани бошқаришга, корхона номидан ҳаракат қилишга ҳеч кимга қанақа ваколат бермаганлиги, “Чорва Давлатобод” хусусий корхона солиқдан 126.668.251 сўм миқдоридан қарздорлиги мавжудлиги муносабатидан у билан қарзни ундириш бўйича давлат ижросисига “Сардор” исмли ходим томонидан ижро иш юритуви қўзғатилиб, унга тегишли бўлган трактор парки бино ва иншоатларини аукцион савдосига қўйилганлиги ҳақида хабар берганлиги, 2020 йил 07 декабр куни “Электрон баҳолаш” МЧЖнинг баҳолаш ҳисоботида асосан “Трактор парки” бино ва иншоатлари 1.285.068.000 сўмга баҳолашиб, 23.12.2020 йилда электрон аукцион орқали савдога чиқарилиб, 12.02.2022 йилда электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази ДУК орқали 642.534.000 сўмга сотилиб, шундан 126.668.251 сўм Тойлоқ туман ДСИ ҳисоб рақамига, 6.666.750 сўм пул маблағи ижро йиғимига, 10.666.880 сўм солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ундиришдан тушадиган маблағлар жамғармасига ўтказилганлиги, шундан сўнг қолган 492.106.859 сўм пул маблағлари 03.03.2022 йилда қарздор “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлиги, ушбу пул маблағлари унга берилиши лозим бўлсада, Тойлоқ туманидаги АТ “Халқ банки” филиали томонидан бошқа фуқароларга яъни амакиси [REDACTED] бериб юборилганлиги, шундан сўнг у ушбу ҳолат бўйича Тойлоқ тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилганлиги, шунда унинг мурожаати юзасидан Тойлоқ тумани ИИБ ЖХХ ҚПБ профилактика инспектори катта лейтенант Д.А.Хонхужаев томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб бориб, аризасида кўрсатилган ҳолатларни текширмасдан 14.08.2023 йилда мурожаати юзасидан тупланган хужжатларда жиноят аломатлари мавжуд эмаслигини ваъж қилиб, жиноят иши қўзғатишдан рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, у Тойлоқ тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилишидан олдин Халқ банки Тойлоқ туман бўлимига борган вақтида, банкнинг бош ҳисобчиси Хайдаров Абдурашид Эсергапович унга амакиси [REDACTED] [REDACTED] “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг печатини олиб келиб, тўлов топшириқномасини бериб, пулларни олиб кетганлигини баён қилганлиги, шунда у унга “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг раҳбари эканлигини, у тўлов топшириқномасига имзо қўймаганлигини айтган вақтида, амакиси [REDACTED] унга ушбу корхонани раҳбари эканлиги тўғрисида айтганлигини, корхонани бош бухгалтери эса Хужамкулов Шаҳоб эканлигини айтиб, улар томонидан имзо қўйилган 04.03.2022 йилдаги тўлов топшириқномасини кўрсатганлиги, шу тўлов топшириқномаларига асосан пуллар чиқиб кетганлигини айтганлиги, лекин амакиси [REDACTED] унга тегишли бўлган “Давлатобод Чорва” хусусий корхонасида бирор бир вазифада ишламаганлиги, унга корхона номидан фаолият олиб бориши учун бирор бир ваколат ва

ишончнома берилмаганлиги, Хўжамкулов Шаҳоб хусусий корхонанинг ҳисобот ҳужжатларини қилиб юрганлиги, шу вақтларда Шаҳоб ака мухрни олганлиги, шундан сўнг у амакиси [REDACTED] билан ўзаро тил бириктиришиб, мухрни унга қайтариб берилмаганлиги, лекин уларни хар иккаласи ҳам хусусий корхонанинг номидан ва уни номимдан ҳаракат қилишларига ишончнома берилмаганлиги, бундан ташқари, уларни хар иккаласи ҳам “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасида умуман ишлашмаганлиги, АТ “Халқ банки” Тойлоқ туман филиалига 04.03.2022 йилда берилган №3 ва №4- сонли тўлов топшириқномалари умуман имзо қуймаганлиги, у бунақа тўлов топшириқномалари чиқарилганидан хабари ҳам бўлмаганлиги, ушбу тўлов топшириқномаларга [REDACTED] ва Хужамкулов Шаҳоблар имзо қуйишганлиги, бинони сотиб олгандан кейин ўзи ишлатмаганлиги, бинода бирор бир қўшимча қурилишларни амалга оширмаганлиги, қўшимча қурилишлар учун харажат қилмаганлиги, қўшимча қурилишларни амакиси [REDACTED] қилганлиги, солиқ тўловларини ҳам амакиси [REDACTED] қилганлиги ва ўзи бирор марта солиқ тўловларини амалга оширмаганлиги, бинони ва ҳужжатларни амакиси [REDACTED] оғзаки келишув билан берганлиги, [REDACTED] томонидан тўланган ва депозит ҳисоб рақамга қўйилган 492 миллион пулни ўзи қайтариб олганлиги ва отасини пластик картасига ташлатиб олганлиги, [REDACTED] ундирилмай қолган 55.918.154 сўм моддий зарарни ўндириш ва унга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўрашлиги ҳақида баёнот берди.

Судда сўралган гувоҳ Хайдаров Абдурашид Эсергапович ўз кўрсатмасида, 2023 йил ноябрь ойидан буён АТ Халқ банки Самарқанд вилоят филиали бош мутахассиси лавозимда фаолият юритиб келишлиги, унга қадар АТ Халқ банки Тойлоқ филиали бош ҳисобчиси лавозимида 2019 йил сентябрь ойидан буён фаолият юритиб келганлиги, шу вақтдаги уни хизмат вазибаларига ҳисоб рақамлар очиш, банк ҳисоботларини тузиш, ушбу ҳисоботларни солиқ, Марказий банк ва бош банкга тақдим қилиш ва шу кабилар кирганлиги, у [REDACTED] ва Яхшиев Собиджон Олимбоевичларни илгари танимаганлиги, улар билан келишмовчилиги ва шахсий адовати бўлмаганлиги, 2022 йил март ойларини бошларида Мажбурий ижро бюроси Тойлоқ туман бўлими томонидан Тойлоқ туман Халқ банкида ҳисоб рақами бўлган “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг 20208000200761147001 ҳисоб рақамига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан автоматик тарзда ҳисоб рақамдан чиқарилганидан сўнг қолган маблағларга “Чорва Давлатобод” ҳисобчиси Яхшиев Гулшер Тулкин ўғли томонидан тақдим қилинган 04.03.2022 йилдаги 3-сонли тўлов топшириқномаси орқали 17,1 млн сўм “Илм-Агро-Ривож” фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ет маҳсулотлари учун ҳамда 4-сонли тўлов топшириқномаси билан 374,0 млн сўм маблағ фуқаро [REDACTED] иш ҳақиси мазмунида [REDACTED] банк пластик картасига ўтказиб берилганлиги, тўлов ҳужжатларини қабул қилиш вақтида мижознинг йиғма жилдидаги маълумотлар билан тўлов ҳужжатидаги ҳужжатлар солиштириб кўрилиб, яъни мижоз муҳри, имзо намуналари, мижоз ҳисоб рақами ва СТИР

рақамлари текширилиб курилиб, тўлов амалга оширилганлиги, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомнинг 20-бандига асосан тақдим қилинган тўлов ҳужжатларидаги маълумотларнинг ҳақиқийлигига миждознинг ўзи жавобгарлиги кўрсатилганлиги, Г.Яхшиев тўлов ҳужжатларини тақдим қилган вақтида, Г.Яхшиевнинг отаси [REDACTED] ва унинг ҳисобчиси Шаҳоб ака ҳам биргаликда [REDACTED] танлиги, шу ерда [REDACTED] “Чорва Давлатобод” фермер хўжалиқ [REDACTED] ҳақиқий эгаси эканлиги тўғрисида айтганлиги, 04.03.2022 йилда [REDACTED] “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг 20208000200761147001 ҳисоб рақамида бўлган пул маблағларни олиш учун ушбу корхона раҳбари бўлган Яхшиев Собиджон Олимбоевични чақирмаганлиги, чунки банк берилган муҳр ва имзо намуналарида бош ҳисобчи сифатида Яхшиев Гулшер Тулкин ўғли кўрсатилганлиги сабабли ушбу ҳолатда унга ишончнома тақдим қилинмаслиги, корхонани бошқа ишчи-ҳодимларига эса ишончнома берилиши, у айнан қайси ҳужжатда бош ҳисобчини корхонани ҳисоб рақамидан пул маблағини кўчириши учун корхона раҳбари томонидан ишончнома берилмаслиги тўғрисида ёзилганлигини билмаслиги, илгари нотариал тарзда ишончнома олинганлиги, ҳозирда ушбу қоидалар бекор бўлиб кетганлиги, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил сентябр ойларида “Чорва Давлатобод” хусусий корхонаси раҳбари Яхшиев Собиджон Олимбоевич уни олдига келиб, унинг корхонасига тегишли бўлган ҳисоб рақамидан пул маблағлари ноқонуний равишда чиқиб кетганлиги тўғрисида мурожаат қилганлиги, у уни уша вақтда биринчи маротаба кўриб турганлиги, ундан ким эканлигини сўраган вақтида, у “Чорва Давлатобод” хусусий корхонаси раҳбари эканлигини айтганлиги, шунда унга у банкдан пул маблағлари вақт миждознинг тўлов топшириқномасига асосан чиқарилишини, шу сабабли бош ҳисобчиси билан гаплашиб олишини айтганлиги, агар ҳисобчиси ноқонуний ҳаракат қилган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишини айтганлиги ҳақида баёнот берди.

Судда сўралган гувоҳ Хужамқулов Шаҳоб Холиқулович ўз кўрсатмасида, Тойлоқ тумани Давлатобод маҳалласида яшовчи [REDACTED] ва Яхшиев Собид Олимовичларни илгаридан танишлиги, илгари [REDACTED] тегишли бўлган “Тулкин Давлатобод чорваси” фермер хўжалигини бухгалтери бўлиб ишлаганлиги, 2018 йилда марказлашган бухгалтерия тошқил этилганидан сўнг, [REDACTED] тегишли бўлган фермер хўжалигини ҳисоботларини юритишни марказлашган бухгалтерияга топширганлиги, у “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини бухгалтери бўлиб ишламаганлиги, “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини бухгалтери бўлиб ишламаган бўлса ҳам, бухгалтерия билан боғлиқ саволлари бўлса, маслаҳат ёки ёрдам бериб турганлиги, “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини бухгалтерия ҳужжатлари билан Яхшиев Гулшер шуғулланганлиги, “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини раҳбари эса [REDACTED] бўлганлиги, [REDACTED] Давлатобод агрофирмаси трактор паркани жияни С.Яхшиевни номига сотиб олганлиги, Собит билан у бу масалада гаплашмаганлиги, Тулкин билан фермер

хўжалиги ишлари юзасидан бирга юрганлиги учун бу ишдан хабари борлиги, трактор паркани релатрлик фирмаси орқали [REDACTED] сотиб олганлиги, релатрлик хизмати учун туловларни Тулкин қилганлиги, трактор паркани сотиб олиш учун [REDACTED] унга берганлиги ва у Тойлоқ Агробанкга Тулкин билан бирга бориб шахсан ўзи тўлаганлиги, Агробанкга пул топшириқномада Манзура исмли аёл киши қабул қилганлиги, шу куни квитанция [REDACTED] Тулкин олганлиги, С.Яхшиев бормаганлиги, кейинчалик Боғизаф [REDACTED] нотариусга корхонани Тулкинни номига расмийлаштириш учун боришганлиги, нотариус йиғилиш қарори билан олса бўлишини айтганидан сўнг қайтиб келишганлиги, охириги 3 йилдан буён банк идораларига бериладиган тўлов топшириқномасига фақат корхона раҳбарини имзоси қуйилганлиги, ундан олдин эса банкка кимни имзо намуналари берилган бўлса, ушалар имзо қуйишганлиги, бошқаларни ваколоти бўлмаганлиги, 04.03.2022 йилда Тойлоқ туман Халқ банки бўлимига [REDACTED] билан биргаликда “Чорва Давлатобод” хусусий корхонаси балансида турган 492.106.859 сўм пулларни олиш учун берганлиги, 04.03.2022 йилда Тойлоқ туман Халқ банки бўлимига берилган тўлов топшириқномасига у имзо қуймаганлиги, шу ерда банкни бухгалтери Абдурашид билан учрашганлиги, шунда Абдурашид шу ерда бизга иккита тўлов топшириқномасини компьютердан чиқариб берганлиги, шунда Тулкин тўлов топшириқномаларига “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасини мухрини босиб, имзо қуйиб берганлиги ҳақида баёнот берди.

Судда сўралган гувоҳ Полвонов Саидбахромхон Рустамович ўз кўрсатмасида, 2011 йилдан бошлаб реалтрлик фаолияти фаолият юритиб келишлиги, шу вақтлари Тойлоқ туманида жойлвшган Давлатобод агрофирмаси трактор парки биносини сотиб олиш бўйича ташкилотига мурожаат бўлганлиги, шу асосда Тойлоқ туманида жойлвшган Давлатобод агрофирмаси трактор парки сотувга қўйилиб тўғридан-тўғри музокара ўтказиш йўли билан сотилганлиги, шу вақти ММТП раиси Т.Хужакулов томонидан мурожаат қилинганлиги, ҳамма ҳужжатларни Т.Хужакулов тақдим қилганлиги, бинони эса бошқа фуқаро номига сотиб олганлиги, Т.Хужакулов келиб “жиянимни номига оламан” деб айтганлиги, ўзи келиши керак деганидан кейин жияни келиб имзо қўйиб кетганлиги, Т.Хужакулов кейин ҳам мурожаат қилиб “жиянимни номига бекор қилдикда” деганлиги, пул тўланганлиги бўйича С.Яхшиев ҳеч нарса тақдим қилмаганлиги, шу вақтда фирмасини ҳисоб рақами капитал банкда бўлганлиги, реалтрлик хизмати учун тўловни ким қилганини аниқ билмаслиги, буни аниқлаш имкони йўқлиги, пул “бўлди мулк сизники” дейилгандан кейин тўланганлиги, бу мулк бир кунда сотилганлиги, Т.Хужакулов жиянини дарсдан чиқиб келиб имзо қўйиб кетади деб айтганлиги, С.Яхшиев “Тулкин ака айтди” деб келиб имзо қўйиб кетганлиги, Т.Хужакулов бу масалада ундан бошқа ҳеч ким билан гаплашмаганлиги ҳақида баёнот берди.

Судда сўралган гувоҳ Насруллаев Сардор Қобилжонович ўз кўрсатмасида, 2020 йилда “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасининг солиқлардан 126.668.251 сўм миқдорида қарзи мавжудлиги сабабли МИБ

Тойлоқ туман бўлими томонидан “Чорва Давлатобод” хусусий корхонасига карашли бино ва иншоотларни сотиш учун 1.285.068.000 сўмга баҳоланиб “E-Auksion” га қуйилганлиги, 2022 йил 17 февраль куни 642.534.000 сўмга сотилганлиги, кейин аукциондан тушган пул маблағи МИБ Тойлоқ тумани бўлимига ҳисоб рақамига туширилиб, МИБ Тойлоқ туман бўлими солиқ ва мажбурий тўловларни олиб қолган 492.106.859 сўм пул маблағини “Чорва Давлатобод” хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ташлаб берганлиги, корхонани ҳисоб рақами Х... ҳақида бўлганлиги, солиқ қарзи бўйича дастлаб С.Яхшиевга мурожаат қилинганлиги, қарзи борлигини айтиб тўла дейилганда С.Яхшиев “мен эмас раҳбар бошқа мен ишлатмайман” деб айтганлиги, С.Яхшиев корхона таъсисчиси бўлганлиги, МИБ томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда С.Яхшиев бўлмаганлиги, С.Яхшиев бино сотилгандан кейин келганлиги, сотилишдан олдин ҳамма ҳужжатлар қилинганлиги, сотишдан олдин мулкни жойига бориб расмга олиб далолатнома қилинганлиги, шу вақти мулкни корхона раҳбари ... кўрсатганлиги, С.Яхшиевни чақирганида келмаганлиги, мулкни жойига ва ижро ҳаракатлари жойига С.Яхшиев чақирилган бирор марта ҳам келмаганлиги, ижро ҳаракатларига чақирилганда фақат ... келганлиги, хатлов вақтида ..., кадастр ходимлари ва холислар иштирок этганлиги, мутахассис тайинлаш ҳақидаги қарор берилганлиги ва кадастр ходимлари бино ҳақида маълумот қилиб берганлиги, шу вақти бинода янги қурилган бино бор йўқлиги эсида йўқлиги, қанақа бинолар қўшимча қурилганини билмаслиги, бино иншоотни баҳолашни баҳолаш ташкилотлари қилганлиги, баҳолашга МИБ қарор берганлиги, С.Яхшиевдан солиқ қарзи сўралганда ҳақиқатдан ҳам “корхонани ҳужжатларини олиб бер тўлайман” деб айтганлиги ва МИБ бир шахсдан иккинчи шахсга корхонани ҳужжатларини олиб бериш вақолати йўқлиги тушунтирилганлиги ҳақида баёнот берди.

Судда сўралган гувоҳ Исломова Нодира Туракуловни ўз кўрсатмасида, 24 йил давомида Тойлоқ туманидаги Агробанкда ишлаганлиги, дастлаб кассада кейинчалик бугалтерияда ишлаганлиги, хизмат вазифасига пулларни қабул қилиш, квитанцияларни регистрация қилиш каби ишлар қилганлиги, 2013 йил 15 ноябрдаги 101-сонли квитанциядаги имзо унга тегишли эканлиги, квитанциядаги ёзувлар Хўжамкулов Шаҳобга тегишли эканлиги, 2013 йил 15 ноябрь куни пулни Шаҳоб ака олиб келганлиги, Тулкин раис ҳам Хўжамкулов Шаҳоб билан бирга келганлиги, бошқа бирор киши келмаганлиги, квитанцияни бир қисми банкда қолиб, бир қисми тўловчига берилишлиги, яна бир қисми қайси ташкилотдан тўланган бўлса шу ташкилотга берилганлиги, пул топширувчи биринчи қисмига имзо қўйиб беришлиги, у пулларни қабул қилганлиги ва квитанцияларни регистрация қилганлиги, шу вақти унда 5 та ҳудуд бўлганлиги, Давлатобод ҳам унга қараганлиги, миждан пулни қабул қилиш тартиби шу вақтда қуйидагича яъни, тўловчи квитанцияни тўлдириши, у ушбу квитанцияни регистрация қилиши, кейин биринчи этажга тушиб кассага пулни топшириб квитанцияни ўзи билан олиб кетишдан иборат бўлганлиги, тўловчи

квитанцияни фақат бир қисмига имзо қўйганлиги, пулни тўлов қилиш мақсади квитанцияга ёзилганлиги, Шаҳоб ака банкга кўп келганлиги, Давлатобод агрофирмасига Тулкин ака раис бўлганлиги, Чорва Давлатобод корхонасидан охириги марта ким келганини ёшолмаслиги, суд залида ўтирганлардан Шаҳоб ака, Тулкин акани танишлиги, у ишлаган даврида касса билан ораси узоқ бўлганлиги, шу вақтда уни олдига келиб ким регистрация қилган бўлса шу тўлага қилиши мумкинлиги, квитансияга шу вақти кассир бўлиб ишлаган Хакимова Дилноза имзо қўйган бўлиши мумкинлиги, шу вақти пул тўлашга С.Яхшиев келмаганлиги ҳақида баёнот берди.

Судда сўралган гувоҳ Хакимова Дилноза Алижонова ўз кўрсатмасида гувоҳ Н.Исломованинг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатмалар берди.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] айби жиноят ишида мавжуд ҳужжатлари, яъни дастлабки терговда берган кўрсатмаси суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ф.Яхшиевнинг кўрсатмалари, шунингдек, ариза, олди-сотди шартномаси, банк маълумотномаси, тўлов патталари, далолатнома, хусусий корхонанинг устави, кадастр ҳужжатлари, тўлов топшириқномаси, экспертиза хулосаси, моддий зарар қопланганлиги ҳақидаги патта, ҳужжатни ёзма далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарори, тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] судда айбига иқдорлик билдирмасдан, айбловда қайд қилинган жиноятларни содир қилмаганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, уни айбловда қайд этилган жиноий қилмишни содир этганликлари жабрланувчи ва гувоҳларни кўрсатмалари, экспертиза хулосаси ҳамда ишда тўпланган ишончли далиллар мажмуи билан тўлиқ суд мажлисида ўз исботини топганлиги боис, бу важларни жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида келтиришган деб танқидий баҳолаб, ишончга сазавор эмас деб топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбловини муҳокама қилиб, унинг айбда қайд этилган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” бандида, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ҳужжатларни қалбакилаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2009 йил 24 июль кундаги “Бир неча жиноят содир этганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандида “Жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли

вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозим” деб ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 32-моддасининг учинчи қисмида “Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир-неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси учинчи қисмида “Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди” деб қайд этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб суд, судланувчи [REDACTED] айбда зикр этилган қилмишларни содир этганлиги суд тергови давомида ва ишда тўпланган далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топганлиги, бу ҳаракатлар умумий қасд билан қамраб олинганлиги, ҳужжатларни такроран сохталаштириш қилмишини содир этганлиги суд тергови давомида ўз исботини топмаганлиги боис, унинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди бўйича айбни чиқариб, ишнинг шу қисмини ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб ундан фойдаланганлик ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида “Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида “Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддасида “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексида назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ва ишда иштирок қилувчи бошқа шахсларни зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилиши, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган хар

қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчининг ҳам фош қиладиган, ҳам оқтайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим”лиги (ЖПКнинг 23-моддасида) айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда қандайдиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак”лиги назарда тутилган.

Суд, дастлабки тергов органи судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлигини тасдиқловчи далиллар йиғмасдан, кредит олиш ва олинган кредит мабларини талон-торож қилиш, содир этилган жиноятни келгусида яшириш чораларини кўриш мақсадида ўзи ҳамда жиний гуруҳ аъзолари томонидан сохталаштирилган ҳужжатларни бошқа органларга тақдим этиб, ундан фойдаланмаганлик ҳолатига ҳолисона баҳо бермасдан, шубҳа ва гумонлар остида унга бу борада айб эълон қилинганлиги, бу ҳолат суд тергови давомида ўз исботини топмаганлиги, ҳозирда шубҳа ва гумонларни бартараф этиш имкони йўқлигини инобатга олиб, уни судланувчиларнинг фойдасига ҳал этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида” ги 2014 йил 23-майдаги № 7-сонли Қарорининг 4-бандида “иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак”лиги, шу Пленум Қарорининг 5-бандида “ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозим”лиги ҳақида тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, унинг қасди ЖКнинг 167-моддасига қаратилганлиги, банкка тақдим қилинган ҳужжатлар билан ўзлаштириш ҳаракатини тасдиқлаб берганлиги боис, бу борада жиний ҳодиса юз бермаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми бўйича оқлашни лозим топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, муқаддам судланмаганлигини, моддий зарарнинг асосий қисми қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ғараз ниятларда жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан қонунда белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини белгилашда, уни содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жиноятни ғараз ниятларда содир этганлигини, жабрланувчининг даъвоси борлигини инобатга олиш билан

биргаликда, унинг мукаддам судланмаганлигини, моддий зарарнинг асосий қисми қопланганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чорлари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етдирилиши керак” деб кўрсатилган талабини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасидаги “Жиноят содир этишда айбдор бўлган инсонга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак” лиги борасидаги нормаларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига ҳамда қонунийлик, одиллик ва инсонпарварлик принципларига амал қилган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми ва 228-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан қамоқда сақланган кунларини чегиришни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 48-бандида “Судларга муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазони, тегишли асослар мавжуд бўлган ҳамда жазони енгил аштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу фаолият касб ёки тирикчилик манбаи бўлган шахсларга нисбатан (масалан, тадбиркорлик фаолияти, транспорт воситаларини бошқариш ва ҳ.к.) қўллашнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги масаласини муҳокама қилиш тавсия этилсин.”-деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи [REDACTED] ушбу жиноятни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини тадбиқ этмасликни лозим топди.

Суд, тергов жараёнида жиноят иши юзасидан етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида судланувчи [REDACTED] яқин қариндошлари томонидан Самарқанд вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига топширилган 492.000.000 сўм пулларни Хужакулов Олимбой Яхшиевичнинг “Агробанк” Тойлоқ филиалидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлигини инобатга олади.

Суд, судланувчи [REDACTED] жабрланувчи Яхшиев Собиджон Олимбоевичнинг фойдасига ундирилмай қолган 55.918.154 сўм моддий зарарни ундиришни лозим топди.

Хукм устидан тарафлар хукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчига хукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида ёхуд хукм қонуний кучга кирганидан сўнгра кассация тартибида шикоят ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья:



О.Аллаев